

1 IZNONSEN



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2006 йил 9 июн куни Тошкент шаҳрида
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси очилди

Мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, фаолияти Сенатининг ялпи мажлиси кун тартибига киритилган масалаларга дахлдор давлат органларининг раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.СОБИРОВ олиб борди.

Кун тартибига мувофиқ ялпи мажлис иши Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, маъқуллаш учун Сенатга юборилган қонунларни муҳокама қилишдан бошланди.

Сенаторлар «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 8, 71-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Қонунни қабул қилиш мамла-

катимизда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда катта аҳамиятга эга бўлиши таъкидлаб ўтилди. Қабул қилинган қонунга мувофиқ микрофирмалар ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлашни назарда тутадиган солиққа тортиш тизимига ўтиш хуқуқи берилди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 71-моддасига киритилган ўзгартишлар

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясини, шунингдек унинг таркибига кирадиган корхона ва ташкилотларни қўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод қилади. Бу ҳол мустақил телерадиоэшиттириш каналларини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш билан, уларга ҳуқуқий ва иқтисодий мустақиллик бериш зарурлиги, шунингдек бу соҳада ижодий рақобат муҳитини шакллантириш учун шароит яратиш зарурлиги билан боғлиқ. Муҳокамадан кейин Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

2006 йилнинг 1 июлидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2006 йилнинг 1 июлидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, олий ўқув юртлари талабаларининг, ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртлари ўқувчиларининг стипендиялари ўрта ҳисобда 1,2 баравар оширилсин.

2. 2006 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 10800 сўм; ёшга доир пенсиялар — ойига 21395 сўм; ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 10800 сўм; болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 21395 сўм; зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 12960 сўм миқдорда белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшилаётган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2006 йилнинг 1 июлидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошлари миқдорини мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2006 йилнинг 1 июлидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш, шунингдек жорий йил бошидан хўжалик юритувчи субъектлар зиммасига тушадиган солиқ юки даражасини пасайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 сентябрдаги ПФ-3659-сон Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2006 йил 1 июлдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри,
2006 йил 9 июн

И.КАРИМОВ

Саҳифаларда:

ГЎЗАЛЛИК ВА
БАРКАМОЛЛИК КЎРИГИ

2

ХАТЛАР — ҲАЁТ ОЙНАСИ

3

КУТУБХОНАДА ВИРТУАЛ
ОЛАМ

4

МУҲАББАТ ЧИЛЛАСИ

9

СИНИҚ ОЙНАДАГИ ҚУЁШ

10

«АЛПОМИШГА АЛЛА АЙТГАН
МОМОЛАРИМ...»

12

TV-ДАСТУРИ

СКАНВОРД

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Боши 1-бетда)

Шундан сўнг юқори палата аъзолари «Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Сенаторлар муҳокама жараёнида ушбу қонун шаҳарсозлик соҳасини, энг аввало шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни, шунингдек шаҳарсозликка доир ҳужжатларни тайёрлаш масалаларини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга қаратилганлигини таъкидладилар. Қонун шаҳарсозлик фаолиятини молиялаш манбалари рўйхатини давлат корхоналарини хусусийлаштириш натижасида олинадиган маблағларнинг бир қисми ҳисобига кенгайтиради, мамлакатимизда шаҳарсозлик соҳасида бошқарув тизимини анча тартибга солади. Қонун ҳар томонлама муҳокама қилинганидан кейин сенаторлар уни маъқулладилар.

Сенаторлар «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама қилган вақтларда киритилган ҳуқуқий нормалар порнографик маҳсулотни ёки

миллий, ирқий, диний адоватни тарғиб қиладиган материалларни тайёрлаганлик, тарқатганлик ва сақлаганлик учун жиноий жавобгарлик қораларини кучайтиришини, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига диний адабиётни қонунга хилоф равишда олиб киришнинг олдини олишини кўрсатиб ўтдилар. Қонун мамлакатнинг ахборот маконини, фуқароларнинг, айниқса ёшларнинг маънавиятини, ахлоқини ҳимоя қилишга ёрдам беради.

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқариш фаолиятига кенг жалб этиш, касаначилик меҳнатидан фойдаланиш ҳисобига оилаларнинг даромадини кўпайтириш, фуқароларнинг меҳнат ва бунёдкорлик соҳасидаги фаоллигини ошириш учун ҳуқуқий шароитлар яратди. Бундан ташқари бу қўшимчалар кўплаб корхоналарга имтиёз ва преференциялар бериб, уларни касаначилар билан кооперацияни ривожлантиришга жалб этиш шарт-шароитларини яхшилади, турар жой биноларидан касаначилик меҳнатини амалга ошириш учун фойдаланиш йўлидаги тўсиқларни бартараф этди. Шу билан бирга айтиб ўтиш керакки, агар касаначи-

лик меҳнати турар жой биносида амалга оширилаётган бўлса, бундай бинони яшаш учун мўлжалланмаган жойлар тоифасига ўтказиш талаб қилинмайди.

Парламент юқори палатасининг аъзолари «Мудофаа тўғрисида»ги, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама қилиб, қонун мамлакат мудофаа қобилиятини таъминлаш, ҳарбий ва муқобил хизматни, шунингдек резервдаги хизматни ўташ масалаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ваколатларини чегаралаб қўйишини кўрсатиб ўтдилар.

«Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг муҳокамасида сўзга чиққанлар қонун адабиёт ва санъат асарларини, халқ ижодиёти асарларини, эфир ва кабель орқали эшиттириш дастурларини яратиш соҳасида муаллифлик ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, ижрочилар, фонограммаларни тайёрловчилар ва эшиттириш берувчи ташкилотларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш самарадорлигини анча оширишини кўрсатиб ўтдилар. Қонун юқорида айтиб ўтилган масалалар юзасидан бир қатор халқаро конвенцияларнинг

қоидаларини ўз ичига олади, мамлакатимизнинг халқаро ахборот маконига кенг кўламда интеграциялашуви учун шароит яратди.

Олий Мажлис Сенати «Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисида»ги Мадрид битимини (Мадрид, 1891 йил 14 апрел) денонсация қилиш ҳақида»ги ва «Ўзбекистон Республикасининг Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисида»ги Мадрид битимига доир Баённомага (Мадрид, 1989 йил 27 июн) қўшилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларини кўриб чиқди. Ушбу қонунлар Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш, интеллектуал мулкни муҳофаза қилишнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган. Ушбу масала юзасидан сўзга чиққан сенаторлар эътиборни Мадрид битимини денонсация қилиш ва шундан кейин Ўзбекистон Республикасининг Мадрид битимига доир Баённомага қўшилиши мамлакатимизнинг интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш халқаро тизимига янада интеграциялашуви, миллий қонунларимизнинг ҳозирги умумий қабул қилинган норма ва стандартларга, шу жумладан Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (ЖИМТ) талабларига мувофиқлигини таъминлашга ёрдам беришига, мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларини кенгайтириш имконини беришига қаратдилар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қонунларнинг ҳаммаси Сенат томонидан маъқулланди.

Айни вақтда «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳар томонлама муҳокама қилинганидан сўнг рад этилди. Сенаторлар ушбу ҳуқуқий ҳужжатнинг асосий мақсади қонун лойиҳаларини тайёрлашнинг ягона принципларини, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириш шакллари, қонун лойиҳаларини тайёрлашни ташкил этишга, уларнинг мазмунига, қонун лойиҳаларини экспертиза қилиш, шунингдек Қонунчилик палатасига киритишга қўйиладиган талабларни белгилашдан иборат эканлигини кўрсатиб ўтдилар. Шу билан бирга, сенаторлар қайд этганларидек, қонуннинг қоидалари ушбу мақсадларни тўла амалга оширмайди ва унинг айрим қоидалари қўшимча ишлашни талаб қилади. Сенаторлар қонуннинг тузилиши ҳақида ўз таклифларини баён этдилар. Муҳокама якунида юқори палата аъзолари ушбу қонун юзасидан Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси билан биргаликда келишув комиссиясини тузиш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати олтинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни тугади.

Сенат 2006 йил 10 июнда ўз ишини давом эттиради.

**Ўзбекистон
Республикаси Олий
Мажлиси Сенатининг
Матбуот хизмати**

Республика хотин-қизларининг анъанавий спартакиадаси

Яна икки кундан сўнг Қарши шаҳрида республика хотин-қизлари анъанавий спартакиадасининг финал босқичлари бошланади. Айни пайтда бу нуфузли тадбирга қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Мусобақаларга мезбонлик қилаётган қашқадарёлик спортчилар ҳам катта орзунимдлар оғушида...

Спортнинг волейбол, стритбол, стол тенниси, шахмат, шашка, энгил атлетика турлари бўйича ўзаро куч синашадиган спортчи хотин-қизларни кутиб олишга ҳозирлик ниҳоясига етказилмоқда. Куйида мезбон жамоа спортчиларининг янги тадбирга доир фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашасиз:

Ибодат САТТОРОВА, мусобақа иштирокчиси:

— Эсимда, бундан икки йил муқаддам, Шаҳрисабзда кураш бўйича ўтказилган Халқаро турнирда яқкабоғлик Дилшода Ҳазратова олтин медал олиб, барчани лол қолдирган эди. Шунда очиги, нафақат мени, балки тенгдошларимнинг ҳам ўзбек курашчи қизига бўлган ҳаваси ортган. Эндиликда спорт ҳар бир юртни оламга танитапти. Республика миқёсида ўтказилаётган спартакиадада иштирок этишдан мамнунман. Унга қиз-гин тайёргарлик кўриладигани мени қувонтирди. Ахир бугунги кунда эркакларимиз билан бирга, хотин-қизларимиз ҳам спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб, юртимиз шарафини ҳимоя қилишяпти.

Хотин-қизларнинг Жиззах, Андижон, Самарқанд, Тошкент ҳамда Чирчиқ шаҳарларида ўтказилган мусобақаларида волейболчи жамоалар билан иштирок этиб, муваффақиятларга эришганман. Бу гал ўтказиладиган анъанавий спартакиадада турли соҳа вакиллари қатнашиши кутилмоқда. Ишдан бўш пайтларда спорт билан шуғулланганлигим — соғлигимни янада мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда. Финал мусобақаларида барчага омад тилайман.

Нигора ХОЛБОЕВА, Яқкабоғ туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси:

— Оиламизни спортчилар оиласи деса бўлади. Узим ҳам акаларимга эргшиб Ўзбекистон жисмоний тарбия институтини тугаллаганман. Мени соҳага йўналтирган биринчи устозим —

Эндиликда, бутун оиламиз билан маҳаллий ёшларни спортга бўлган қизиқишларини янада оширишга хизмат қилаяпмиз.

Дилфуза ЁҚУБОВА, Шаҳрисабз туманидаги Чоршанбе қишлоқ-хўжалик касб-ҳунар коллежининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси:

— Дунёда ҳеч бир касб кишини спортчилик машҳур қилолмайди. Ўрта мактабда ўқиб юрган кезларимда устозим Ра-

мел Файзулин жисмоний тарбия фанидан пухта сабоқ берган. Шу боис, спортга бўлган қизиқишим ортди. Мактабни тугаллагач, ишдан ажралмаган ҳолда Тошкентдаги жисмоний тарбия институтини муваффақиятли тугалладим. Айни пайтда талабаларга сабоқ бераёпман.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида юртимиз аёлларини иш билан таъминлаш, уларнинг тадбиркорлигини кўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар фаоллигини оширишдек муҳим вазифаларга катта эътибор қаратилган. Ҳозирда хотин-қизларнинг барча жабҳаларда фаол иштирок

этаётганлиги мазкур Фармоннинг ҳаётбахш кучини кўрсатиб турибди.

Шу йилнинг апрел ойида вилоят ва туман хотин-қизлар қўмитаси билан тиббиёт коллежининг ташаббусига асосан кўргазмали семинар-кенгаш ўтказдик. Иштирокчилар бир неча маҳалларда бўлиб, Фармонга мувофиқ қилинган ишлар билан танишдилар. Хусусан, шаҳримиздаги «Ифбатли келин» ўқув марказининг бу борадаги фаолияти бизни ниҳоятда қувон-



ГўЗАЛЛИК ВА БАРКАМОЛЛИК КўРИГИ

тирди.

Юртимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга катта аҳамият бериладиганлиги биз қишлоқ аёллари учун кўнглидагидек иш бўлди.

Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги, истиқлолимизнинг 15 йиллиги арафасида республикамиз хотин-қизлари анъанавий спартакиадасининг финал босқичи воҳамизда ўтказилаётганлиги, айниқса, бизни янги муваффақиятларга руҳлантиради.

Ёшлардан умидимиз катта. Ўйлаймики, гўзаллик ва нафосат кўриги ҳисобланган ушбу спартакиадада жамоадошларимиз нуфузли ўринни эгаллаб, воҳамиз шарафини ҳимоя қилдилар.

**Шавкат СУЛТОНОВ,
«Ишонч» мухбири**

**Менинг муҳаббатим нимага арзир,
Нимага арзирди ёниб-куйганим.
Меҳр бу суннатдир, меҳр бу фарздир,
Сени худо суйсин, менинг суйганим.
Эшқобил ШУКУР**

Улар бир-бирларининг кўзлари-га тик қарашолмасди. Ахир бугун ўттиз еттинчи кун, нигоҳларнинг тўқнашуви қалбларда исён кўтарётган вулқон оғзини осонгина очиб юбориши мумкин... Аёл шундан кўрқарди, кўрқадигина эмас, балки даҳшатга тушарди.

Эр-хотиннинг ажрашишга қарор қилганларига ўттиз етти кун бўлди, аммо бугун ҳам ниҳоятда секин ўтяпти. Эр кет деёлмас, хотин эса кетай демасди. Авваллари аёл эрининг кўнгли нима овқатни тусаса ўшани муҳайё қиларди. Ҳозир эса "қанақа овқат қилай" дейишга сира ботинолмасди. Эри ҳамма нарсага бепарво, лоқайд. Уларнинг совуқ ва тушкун кайфияти хонадонга ўтириб қолгандек гўё. Ҳатто деворлар ҳам совуқ сукунатга чўмгандек, файзсиз туюларди. Эшикдан кирган кишининг юрагини хонадаги ана

шу ҳукмрон сукунат исканжага оларди. Бу хонадонга қувноқ кайфиятда кирган ҳар қандай кишининг кайфияти бир зумда ўз-ўзидан сўниб кетиши муқаррар.

Шундай бўлса-да, улар доимий меҳмонларини очик чехра билан кутиб олишга уринишарди. Лекин эр-хотинни боғлаб турган ришта узилай-узилай деб турганини сездирмасалар-да, келган меҳмон буни яққол пайқаб оларди. Эр-хотин ҳамон бир тўшақда ётишса-да, кечалари юрак ютиб ўзаро гаплашолмасди.

Тун бўйи ўзларини ухлаганга солишса-да, бироқ, бир-биридан жудо бўлиш ғами юракларини кемириб ётарди. Аёл эрига сездирмасдан кўз ёши тўкар, эр эса ичидан оғир хўрсинар эди. Эрталаб хотинининг ёстиғи жиққа хўл бўлганини кўриб, эрининг ғуссаси янада ортарди. Қанийди, аввалгидай хотинининг дардини сўролса... кўнглини кўтаролса. Афсуски, дардини биларди-ю, бироқ... Кечалари унсиз йиғлаб чиқишини биларди, аммо индолмасди. Шу кунларга ҳам хотима ясалишидан кўрқарди. Эр-хотин ўртасидаги муҳаббат иплари ҳадеганда узилай демасди, бу риштани узишга уларнинг кучи етмасди. Эр-хотин ўн уч йил бирага яшадилар. Шу узоқ вақт давомида фарзанд кўришдан умидларини ҳам узмадилар. Ёшлари қирққа бориб, энди фурсат ўтаётганини пайқаб қолишди. Азбаройи қаттиқ севги боис эр хотинга, хотин эрга яхшилик қилмоқчи бўлди. Яхшилик ажралишдан иборат эди. Аёл эрим бошқа хотин олса, бал-

ки фарзандлик бўлар, мен унинг умрини бекорга ўтказаяпман, деб хижолат чекарди. Эр ҳам хотинига нисбатан шундай фикрда эди.

Бундай бахтли, иноқ оила камдан-кам топиларди. Эҳтимол бу бахтга кўз теккандир. Нима бўлганда ҳам тақдирлари тахир чикди. Йўқса, ўттиз етти кундан буён ғаму алам бодасини сипқорармидилар?

Яна азобли тун. Наҳотки вужуд-вужуд

тополмаётгандай. Бироқ, нималиги ўзига-да номаълум. Эҳтимол, йўқотган ширин дамларини шу саҳифалар қатидан излаётгандир...

Ўттиз саккизинчи кун ҳам маъюслик билан бошланди. Аёл бугун кетиши зарурлигини биларди, шундай бўлса-да, уйдан бирор юмуш қидирарди. Ҳаммаёқ озода, жой-жойида, қиладиган ишнинг ўзи йўқ. Иккаласи яшайди... Уйни ким ҳам ивирситарди. Уй бирам хувуллайдики, ютиб юборай дейди-я. "Кетиш керак"... Аёл эшикка қараб юраги увишди. Қаяққа кетади? Хона ичида бироз айланди. Эшикка қарар, қараган сари ғуссага ботарди. Наҳотки, ҳаммаси тамом, йўқ нимадир қилиши керак. Нима қилсин, кир ювсинми? Аёл хаёлига кел-

рак, нега кетмаяпти, нечун номардлик қиляпти?! Бу гал кўз ёшлари ёстиққа эмас, балки юрагига оқди, томир-томирларига сингиб кетди.

Ўттиз тўққизинчи кун... Аёл — "бугун кетаман, албатта, кетаман", — дея қатъий қарор билан ўрнидан турди. Юзини ювиб, эрига кўзи тушди-ю, юраги тўкилиб кетди. Наҳотки энди бегоналардай яшашса, телбанамо алфозда уйни айланди. Қадрдон нарсаларини бир-бир ушлаб кўрди. Маъюс термулганча эшикни очди. Кетиш... нақадар даҳшат. Остона ҳатласа тамом, бу уй юзини умрбод кўрмайди. Уй ичидан қандайдир бир куч келди-да, аёлни остонадан ҳатлашга қўймади. Қўллари ўз-ўзидан эшикни ёпиб қўйди. Аёл яна эрининг ёнига кирди, севган кишисига бегона бўлиб яшагандан ўлган афзал эмасми? Эри гўё хушсиз ётарди. Китоблар, газеталар қатидан излаганини тополмади шекилли, китобхонасига кирмай қўйди. У бутунлай умидсизликка тушди. Аёл учун ҳақиқий дўзах азоби энди бошланди.

Кўнгли кетишни истайди, бироқ эрини ўйлайди. Ахир у кетса эри бошқа аёлдан фарзанд кўриши мумкин-ку, уни худо қўллаган нима қилсин, бошини қайси тошга урсин? Аёл қалбидаги қарама-қарши ғалаёнлардан чарчаб, охири хушидан кетди.

Узун кун тугади. Қоп-қора пардасини ёзиб тун кирди, еру осмоннинг зулмати шу хонага йиғилди. Аёл хушига келганда хона зим-зиё эди. Кўнгли алланечук беҳузур бўлди... Ўқчиди. Қайд қилай деса, ичида ҳеч вақо йўқ. Ўқчик зўридан қусди. Ҳар кўнгли айнаганда зардоб келаверди. Эр ўрнидан турди-ю, чироқни ёқиб, кўрқиб кетди. Худди хотинининг жони оғзига келаётгандай бўларди. У хотинини бундай аҳволда илк бор кўраётгани учун эсанкираб қолди. Унинг атрофида гирдикапа-лак бўлар, лекин қўлидан ҳеч нарса келмасди. Зудлик билан дўхтир чақиртирди. Аёлини текшираётган дўхтирнинг хотиржамлигидан эрининг жаҳли чиқарди. Врач эса бамайлихотир, "ҳечқиси йўқ, ҳомиланинг таъсири тезда ўтиб кетади", деди. Эр-хотин бир-бирларига қараганча қотиб қолишди. Дўхтир тиббий жиҳозининг қора чизиқларига узоқ тикилиб, "ҳомила қирқ кунлик бўлибди", деди.

Бу пайтда эр-хотин унсиз йиғлашарди. Дўхтир ҳайрон бўлганча хонани тарк этди. Иккисининг ҳам оғзидан бирор сўз чиқмас, фақат дийдаларидан ёш қалқирди. Тонг ёришди. Улар қирқ кун ғам-алам, муҳаббатлари учун виждо чилласида ўтирдилар. Бир-бирларига бўлган чексиз меҳру муҳаббатлари учун уларни Оллоҳ қўллаган эди. Буни улар ғам чилласидан чиқиб билдилар.

Барно РАҲМОН

ХИКОЯ



Муҳаббат чилласи

дигача севган, меҳрибон кишисидан эртага ажрашса? Қандай яшайди? Бунчалар даҳшат... Майли, шундай азоб чексин, лекин тонг сира отмасайди. Таассуфки, вақт инсон амрига бўйсунмайди. Болиш жиққа хўл. Қовоқлар оғирлашган, танда мадор йўқ. Жойидан турсинми? Туриб нима ҳам қиларди? Доимгидай чой қўйсинми? Ким ичади ўша чойни?..

Бирдан миясига "кетишим керак" деган ўй келди-ю, сергак тортиди ва шартта ўрнидан турди. Кетмаса бўлмайди, шундай чиқиб кетаверсинми? Нимани олсин? Ҳеч нарса олмайди... Кўнглига қил ҳам сиғмайди. У секингина эрига қаради. Эрининг ранги бир аҳволда. Аёлнинг хаёллари бўлинди. Эрига нима бўлди, мазаси йўқмикан? Ё худо, касал бўлиб қолдимикан? У ҳамма нарсани унутиб, эрига парвона бўлди. Чой қайнатди, ғаладондан керак-нокерак дориларни олди. Эрини базўр ўрнидан тургазди.

Ғам-ташвиш, ўй-хаёл унинг тинка-мадорини қуритган эди. Ювиниб келиб, нонуштага ўтирди. Аёл уни зимдан кузатиб, касаллик аломатини сезмади.

Неча йиллардан буён эрининг бутун вужуди унга беш қўлдай аён...

Аёлнинг фикрлари яна ўзгарди. Кетиш керак. Ўз оғзи билан "кет" деёлмаяпти.

Кетишим дардига даво бўлса, ажабмас, дея ўйларди ичида. Аёл индамай пиёлага чой қуйди, эр чойни жимгина ичди. Неча кундан бери эри ўз хонасига кириб, китоб тўла жавонларни титқилар, газета тахламларини қайта-қайта варақларди. Гўё ниманидир йўқотган, излаб

ган фикрдан севиниб кетди. Кир ювади, то дармони кетгунча юваверади. Эри ва ўзининг қишки-ёзги кийимларини, кўрпа-ёстиқ жилдларини, адеёлларни йиғиб олди. Дазмоллаб қўйган қўйлақларни ҳам ваннага ташлади. Аслида кир буюмнинг ўзи йўқ...

Начора, қайтадан ювади. Энг аввал қалин кийимлардан бошлади. Роса совун сурди, худди ўн уч йилдан буён могорлаб кетгандай бор кучи билан эзиб юваверди. Тўпланган "кири" анчагина экан, кечгача чўзилди. Охири кирларни юваётганда нозик қўллари титраб кетди.

Эр хонасидан чиққанда, ҳаммаёққа ювилган кийимлар осилган, ҳатто жой йўқлигидан устма-уст қилиб қўйилган эди. Дазмолланган қўйлақлари ҳам ювилганига ажабланмади, чунки сабаби аён.

Аёл эрини кўргач, кечки овқат тайёрлаши лозимлигини эслади. Наридеки кечлик билан кифояландилар.

Тун. Мунча азоб экан, ғам туни... Юраклар ёнма-ён, вужудлар бир-бирига тегиб кетишдан ҳайиқади. Жон қовурилади, кўздан ёш қуйилади. Аёл бу азобга чидаёлмасдан эрининг қўлига қўлини қўйди.

Шу заҳотки иссиқ, бир кафт қўли устига тушди. Эрининг бундай қилишга ҳадди сиғмаётганди. Ғам юки остида у ҳам қаттиқ эзилди. Парчаланаётган юрагига наҳот излагандай, аёлининг қўллари маҳкам ушлади. Аёл эса қўллари ни шартта тортиб олди. У кетиши ке-

Сурхон — алпомишлар юрти. Шу билан бирга Алпомиш монанд нахлавон, халқ қахрамонлари жасоратини куйловчи бахшиларга маъво у. Бир маибда: «Бахши устоз ва маърифатчи маъносини англади» деган битик бор.

Бойчиборнинг бошини", деган қистовига қарамай дўстига, унинг омонати — отига хиёнат қилмайди. Достоннинг кулминацион нуқталаридан бири ҳам айнан шу жойи бўлса керак, менимча. Бу — дунёда жуда камдан-кам учрайдиган ҳолатдир.

Яқин-яқингача юртимизда бир неча бахшичилик мактаби бўларди. Бу санъатда яна бир мактабга асос солинди. Бу — Бойсун бахшичилик мактабидир. Бойсунлик бахшиларнинг сардори эса Шоберди бахши Болтаев. Бу хушнафас бахши республикада биринчи бўлиб, "Ўзбекистон халқ бахшиси" унвонига лойиқ топилган.

— **Хар гал достонни эшитганда бир нарсага хайрон қоламан. Нега Алпомишнинг ёйини бошқа полвонлар кўтара олишмаган?**

— Биринчидан, ўн тўрт ботмон биричидан тайёрланган парли ёй илохий ёй бўлган. Ҳақимбек эса ўз-ўзидан бақувват полвон бўлмаган, у ҳам назаркарда зот. Унинг елкасига бежиз Шохимардон пирининг беш панжаси изи тушмаган. Илохий ёйнинг Алпомишдан бўлак ҳеч ким кўтара олмаслиги масаласига қайтсак, биров чертган созни бошқа биров худди ўзидай черта олмаслиги ёш болага ҳам

ўтказиш тобора расм бўлиб бора-япти. Демокчимизки, достонда куйланган ўша шартлар, ўша мусобақаларнинг бўлгани чин.

— **Умуман достонларда бир ҳолат бот-бот такрорланади: яъни пойгада зўр чопадиган отлар аввал кўримсиз қилиб кўрсатилади. Нега шундай?**

— Тўй олишларини кўриб юрганлар билади: зўр полвонлар аввал бошда давра қуриб ўтирганлар орасига яшириниб, ўзини сездирмайди. Кураш охирида, энг зўрлар саралана бошлагач, ўзларининг нимага қодирлигини кўрсатишади. Чин тулпорлар чопганда билинади, дейишади-ку. Тилла майда бўлади!

Агар полвоннинг зўрлиги ҳаммага олдиндан маълум бўлса, отнинг чопқирлигини кўплар аввал бошдан билса, унда мусобақа ўтказишдан мурдасо недур? Алпомиш сафар олдидаан Култойдан от сўрайди, энг яхши отни, оғир кунга ярайдиган тулпор танлаб беришини талаб қилади. Култой бир товуш берганда тўқайдаги барча йилки йиғилиб келади. Шунда Добонбий бобосидан қолган кўриқни (сиртмоқ) Ҳақимбек кўлига тутайди. У: "Са-

Сиз кутган учрашу

Тасаввур қилинг, уйда ётибсиз: йўлдан эшак, қўй, эчки, мол ўтса-да, сезмай қолингиз мумкин. Аммо отнинг дугури узоқдан эшитилади. Отнинг добири, деви бор, деган гап шундан. От миниб юрсангиз кўнглингиз тоғдек кўтарилиб юриди. Отнинг шамоли кўнгилни яйратади.

МУҲБИР ИЗОҲИ: шу гаплардан кейин Шоберди бахши мана бу парчани эшитинг, — деб хиргойи қилади:

Кўздан оқмасинда селоб ёш, Эгилар экан бу тенада мағрур бош. Моли кўпда кўп бўлар қон-қавмдош, Йўқ бўлган сўнг безар экан эмакдош.

От бўлади мард йигитга чин йўлдош, Кун-кунда керак бўлар қариндош.

— Эсланг, ёдингизга тушдими, дея бахши дўмбирасини тиззасига қўйиб Қоражоннинг Бойчиборни миниб, пойгачиларга аралашиб турганини айтди: "Алпомиш ўз юртидан келган отга бағир босиб қолган. От кўздан гоийб бўладигандай бўлди, шу шаҳарда қоладигандай бўлди, якка мазор бўп ўладигандай бўлди", деб Алпомишнинг отга шу қадар суяниб яшаши таърифни келтиради-да, яна дўмбирасини қўлга олиб, Алпомишнинг таянчи, суянчи, йўлдоши, ҳамроҳи Бойчиборлигини кўз ўнгимизда гавдалантиргандай бўлади:

Сен кетган сўнг қолмас менинг тоқатим, Бойчибор эди-ку менинг улфатим, От кетган сўнг қолмас менинг қувватим, Неча кундир сенинг келар муҳлатинг?

— **Достонларда полвонларнинг кураш тушганини дўмбира билан айтадиган жойлари ҳам борми?**

— Бор. Бу ҳолни бир неча достонда учратиш мумкин. Масалан, "Алпомиш" достонда полвонларнинг уч шартни бажариб, тўртинчи шартни — кураш тарадудини бахши дўмбирасини олиб айта бошлайди: "Кўкалдош бош бир кам тўқсон алпи билан бир тарафдан қатор бўлиб ўтирди. Алпомиш билан Қоражон бир тарафдан ўтирди. Қоражон ўрнидан туриб, бир хил кийимларини чечиб қўйиб, кураш кийимини кийиб, белини бўғиб, шундай айлана берди. Курашда, таъриф шундай бўлади:

Шомурти шохолаб хар ёққа кетган, Учда чичқонлар болалаб ётган, Изидан тушган пишак олтойда

етган, Мундай қалмоқ кўлин булғаб

келади. Қоражонбек хаста кўнглин хушлади, Жуплай қилиб ёқасидан ушлади, Дустадан қип уни қоқиб ташлади, Шундай қалмоқ келиб кирди майдонга...

— **Кўнғиротнинг аёллари нега бу қадар бақувват бўлган? Масалан, Барчиннинг жуда барваста, баркамол тасвирлангани кишида шундай фикр уйғотади-да...**

— Бақувват бўлишининг сабаби шуки, тоза ҳавода юрган, меҳнатда тобланган, соғлом ўсган. Қўй гўштини еган, сутини ичган, қатигини, сариёғини истеъмол қилган. "Алп энадан...", деган гап бежиз айтилмаган. Кўнғиротнинг аёллари кўркам, илиги тўқ бўлганлиги учун ҳам уларнинг зурриёди мард, жасур, полвон йигитлар бўлиб вояга етган.

— **Туркий халқларда тўйларда қизлар пойгаси ўтказилган дейишади. Шу ҳолат достонларда учрайдими?**

— Оқ суяк ўйнагани тасвирланади. Лекин пойгасини эшитмаганман. Шу ўринда бир гапни айтмай. Узоқ бир йил Бойсуннинг Кофрунида кўнғиротлар тўйида қизлар ўртасида пойга ўтказилган, деган гапни элас-элас эшитганим бор...

— **Бойсунда Тиллакамар, Мунчоққа ўхшаш сўлим ва хушманзара қишлоқлар кўп. Бу қишлоқларнинг доврлиги оширган бахшиларини полвонларидир. Айнан шу икки тоғ қишлоғида полвон ва бахши зоти кўплигига сабаб нима?**

— Менимча, биринчи сабаб, тоғликларнинг ўзига хос табиати, қолаверса, бу жойларда шароит, муҳит бор. Менинг номдор бахши бўлишим, Абдулла Тангриевнинг элга танилишининг сабаби оддий. Негаки тоғ одамларида қизқиш баланд. Шундан зўр кўп, машҳурликка даъвогар ва рақобатчи кўп...

Сухбатдош: Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» муҳбири



«АЛПОМИШГА АЛЛА АЙТГАН МОМОЛАРИМ...»

аён. Алпомиш шикорга борадими ёки саёхатга чиқадими, ёйни ўзи билан бирга олиб юрган, машқ қилавериш кўтариб ўрганган. Шу боис Ултонтознинг навқарили хизматкорлари хар қанча уринмасин, кўплашиб ҳам, қўш арава келтириб ҳам Арпалади қолиб кетган ёйни ҳатто жойидан қимирлата олишмаган.

— **Кўп достонларда пойга, тангани уриш, кураш тушиш жараёнлари тасвирланади. Буни бахшилар ўйлаб топганми ёки ҳаётдан олинганми?**

— Хар қандай асар, жумладан, достонлар сюжетига асос қилиб олинган воқеа-ҳодисалар аслида ҳаётда у ёки бу тарзда учрайди. Яна "Алпомиш" достонига қайтадиган бўлсак, Барчин Қалмоқ юрти алпларига "Менга олти ой муҳлат беринглар, Бий бобомнинг ули излаб келмаса энг зўрларингга тегаман", дейди. Алпомиш Қалмоқ юртига Барчинни сўраб келгач, Кўкалдош совчиликка боради: "Қани, Барчин, Алпомиш бўлса келди, алпларнинг бўлса муҳлати битиб қолди. Сен нима жавоб айтасан?" Барчиннинг ори келиб, у ҳам катта бир элга бош бўлиб юрган ҳурмат-иззатли боининг қизи эканлигини билдириб: "Алпомиш келса келти-да, Алпомиш келди, деб мен унинг этагидан ушлаб кета берайинми?", дейди ва ўз шартларини айтади. Бу бор гап, бунда ҳеч бир тўқима йўқ. Ўтмишни қўя турайлик, ҳозирги замонда суннат тўйларида кураш, кўчқор ва ҳўроз уриштиришлар, шунингдек, бошқа турфа ўйинлар ўтказилаётганлиги сир эмас-ку!

Бундан ташқари, кейинги вақтларда тўйларда футбол, волейбол, шахмат, шашка ва шунга ўхшаш бошқа мусобақаларни

"Бир бало қиласанми, ёмонлаб ўласанми, менга дардисар бўп қоласанми", деб тагин қўйиб юборади. Учинчи марта кўриқни отганда яна шу чипор отнинг бўйнига тушади. Алпомиш айтгани бўлмай, отдан кўнгли тўлмай: "Тақдирдаги шул экан-да" деб хафа бўлиб турганда синглиси Қалдирғоч ойм: "— Хафа бўлма, бу отинг балки тулпор чиқар, ёмон дема, бул от назаркардадир" дея акасининг кўнглини кўтаради. Кўринишидан кўримсиз, ёллари тўзиб ётган от аслида Алпомишнинг оғир қорига ярайди. Бахшилар Бойчиборни атайлаб кўримсиз қилиб тасвирламаган. Одамнинг кучи, қуввати, кийган кийими ёки чиройи билан белгиланмайдикун!

— **Олдинги достонларда курашлар, пойга, жанглар, чиройли қизларни олиб келиш шартлари ҳам отлар билан боғлиқдир. Халқ оғзаки ижоди намуналарида нега отларга бунчалик кўп ўрин берилган?**

— Отсиз овга борилмаган, сафарга чиқилмаган. Ўзингиз ўйлаб кўринг, пиёда одам нима иш қилиши мумкин? Отлар азал-азалдан инсонларга улов сифатида хизмат қилган. Халқда: "Бир кунлик умринг бўлса, от ол, икки кунлик умринг бўлса, хотин ол", деган гап бежиз айтилмаган. Тарихий манбаларда соҳибқирон Амир Темура бобомизга буюк юришларида от энг вафодор ҳамроҳ бўлганлиги кўп бор қайд этилади. Ўтмишга мурожаат қиладиган бўлсак, халқимизнинг ўлмас достон ва ривоятларида от мард, жасур йигитлар қорига яраганлиги таърифланади, бу бежиз эмас. От йигитнинг доимий йўлдоши.

Бизнинг манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр курсаткичи: 133; 134

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи котиб - Ш.Абдуллаев
Навбатчи муҳаррир - Р.Аҳмадалиев
Мусаххич - Д.Комолов
Навбатчи - Д.Аллакулова

Саҳифаловчи-дизайнер:
К.Раҳимов ва Ю.Михайловский

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 21.00

Тиражи: 14908

Буюртма 1— 814

Ishonch
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Абдухолик АБДУРАЗЗОҚОВ
Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.

Бизга кўнғирок қилинг:
Котибият
153-52-78;
Хатлар бўлими
153-85-43

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 035-рақам билан рўйхатга олинган.
ИВМ компьютеризация терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ.
Сотува ўрни парда.

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru